

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/27.02.2020.F.91.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АМОНТУРДИЕВ НУРАЛИ РАШИДОВИЧ

**СУРХОНДАРЁ ЭТНОГРАФИЗМЛАРИНИНГ ЛЕКСИКОГРАФИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Гулистон – 2021

УЎК: 811.512.133'374:39 (575.151)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Амонтурдиев Нурали Рашидович

Сурхондарё этнографизмларининг лексикографик хусусиятлари 3

Амонтурдиев Нурали Рашидович

Лексикографические особенности этнографизмов Сурхандарьи 25

Amonturdiev Nurali Rashidovich

Lexicographic features of ethnographisms of Surkhandarya..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/27.02.2020.F.91.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АМОНТУРДИЕВ НУРАЛИ РАШИДОВИЧ

**СУРХОНДАРЁ ЭТНОГРАФИЗМЛАРИНИНГ ЛЕКСИКОГРАФИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Гулистон – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2019.4.PhD/Fil 1025 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетига бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг (www.guldu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Менглиев Бахтиёр Ражабович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Маматов Абдугафур Эшонкулович
филология фанлари доктори, профессор
Зарипов Ботир Пўлатович
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Гулистон давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD 03/27.02.2020.F.91.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «30» 07 соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 120100, Гулистон ш., 4-мавзе, Тел.: (67) 225-42-75; факс: (67) 225-40-42; e-mail: glsu_info@edu.uz.)

Диссертация билан Гулистон давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (3 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 120100, Гулистон ш., 4-мавзе, Тел.: (67) 225-42-75).

Диссертация автореферати 2021 йил «23» 07 да тарқатилди.
(2021 йил «23» 07 даги 5 - рақамли реестр баённомаси)



Ё.Тожиёв

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, филология фанлари доктори, профессор

М.Р.Маматқулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, филология фанлари номзоди, доцент

Н.А.Раҳмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси,
филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида XX-XXI асрларда ҳар бир халқнинг ўз миллий анъаналари, ҳаёт тарзи билан боғлиқ қадимий қадрият ва урф-одатларини сақлаб қолиш, ёйиш, миллий тил умрбоқийлигини таъминлашга қаратилган лингвистик тадқиқотларга катта аҳамият берилмоқда. Ушбу изланишлар тилшуносликнинг алоҳида йўналишлари (этнолингвистика, лингвокультурология, лингвомамлакатшунослик, ареал лингвистика, антропология, социоллингвистика, этнопсихоллингвистика, социал коммуникация ва б.) мисолида тараққий топиб, пировардида, ҳар бир миллатнинг этногенезиси, моддий ва маънавий маданияти тил билан боғлиқ тарзда ўзининг назарий изоҳини топишини исботламоқда. Хусусан, этноснинг этномаданий лексикаси шу халқнинг асрлар давомида шаклланган миллий менталитети, анъаналари, урф-одатларини ўзида акс эттириши билан бир қаторда, тил тараққиёти босқичларида миллий тил шаклланишининг лексик-семантик, грамматик қурилишида рўй берган ўзгаришларни ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

Дунё тилшунослигида “тил ва маданият” тушунчаси бир неча асрлик илмий тадқиқотлар объекти бўлиб келмоқда. Ҳар бир халқ маданий ўзига хослигини сақлаб қолишга жиддий эътибор қаратаётган бугунги глобаллашув даврида мазкур мавзуга қизиқишнинг орта бораётгани ҳар икки тадқиқ предмети – тилнинг маданиятда акс этиши ва, аксинча, маданият белгиларининг тил тизимида ифодаланишини исботловчи баҳсларнинг улкан ҳиссаси билан белгиланади. Этнос тилидаги миллий этнографик лексикани йиғиш ва луғатлаштириш, уларни луғатларда беришнинг лексикографик асосларини ишлаб чиқиш, миллий этнографик корпуслар яратиш тилларнинг яшовчанлигини ошишига хизмат қилади. Шу боис дунё тилшунослигида этнографизмларнинг лексикографик асосларини илмий-назарий жиҳатдан асослашга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбек тилшунослигида ҳам сўнгги йилларда тилнинг миллий маданият билан алоқасини тушунтирувчи лингвокультурология соҳасида самарали ишлар олиб борилмоқда. “Ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада аввало ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши лозим”¹. Бу борада этноснинг моддий-маънавий тамаддунида акс этган миллий онг, тарихий тажриба, дунёқараш, тафаккур, миллий ментал хосланишни намоён этувчи этнографик бирликларнинг этнолингвистик, этнолексикографик тадқиқи доирасида илмий изланишлар олиб бориш долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4997-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”, 2017 йил 7 февралдаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони //http://lex.uz/docs/4561730

ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида” ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги ВМҚ-222-сон “2010-2020 йилларда Номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари ва мазкур соҳа фаолиятига тегишли бошқа меъриий-ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу диссертация ишида белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида тил ва маданият алоқаларига доир қарашлар дастлаб антропологик тадқиқотлар замирида шаклланган (америкалик антрополог Ф.Боас ва унинг издошлари Э.Сепир, Б.Уорф). Европада эса бу масала В. фон Гумбольдт, Й.Л.Вайсгербер, Н.И.Толстой, Д.К.Зеленин, А.А.Потебня, В.Телия, Е.Ф.Карский, А.А.Шахматов, А.Н.Афанасьев, А.И.Соболевский томонидан ривожлантирилди. Америка тилшунослигидан фарқли ўлароқ, Европа тилшунослигида этнолингвистика фаннинг алоҳида соҳаси сифатида жадал ривожланди. Хусусан, славян¹ ва русийзабон халқлардан кубан², бошқирд³, татар⁴, бурят⁵, корачой-болқар¹, чуваш², мари, удмурт ва бошқа тиллар

¹ Славянские древности: этнолингвистический словарь: в 5 т.// под ред. Н.И.Толстого. – Москва, Международные отношения, 1995–2012.; Плотникова А.А. Этнолингвистический словарь как лингвистически, этнографический и фольклорный источник (на материале славянских языков и традиции). Дисс. на соискание учёной степени кан. фил. наук. – Москва, 1990.

² Финько О. С. Лексика свадебного обряда Кубани (на материале обрядовой практики станицы Черноерковской Краснодарского края). Автореф. дис. кан. фил. наук. – Курск, 2011.

³ Багаутдинова М.И. Этнографическая лексика башкирского языка. – Уфа: РИО РУНМЦ, 2002. – С. 11; Ишбердин Э.Ф. Названия животных и птиц в башкирских говорах. Автореф.дисс.канд.фил.наук. – Уфа, 1970; Самситова Л.Х. Безэквивалентная лексика башкирского языка. Автореф.дисс.канд.фил.наук. – Уфа, 1999.

⁴ Этнография татарского народа. – Казань, Магариф, 2004. - С. 287; Татар теленен диалектологик сүзлеге. – Казан, Тат. кит. нәшр., 1993.

⁵ Дондокова Д.Д. Лексика духовной культуры бурят. – Улан-Удэ, 2003; Манжигеев И.А. Бурятские шаманистические и дошаманистические термины. – Москва, Наука, 1978.

этнолексикасига доир этнолингвистик, этнолексикографик аспектдаги илмий тадқиқотлар яратилди. Туркология оламида озарбайжон тилининг махсус этнографик терминлар луғати яратилган бўлса³, козоқ тилшунослигида ҳам бу борада ахамиятга молик илмий изланишлар олиб борилди⁴.

Ўзбек тилшунослигида миллий урф-одат, анъана ва маросимлар лексикаси диалектологик луғат ва тадқиқотлар замирида текширилган. Этнографизмлар диалект, яъни шеванинг таркибий қисми сифатида ўрганилди. Бу борадаги дастлабки ишлар Е.Д.Поливанов, А.К.Боровков, В.В.Решетов, А.Ишаев, Э.Уразов, Ш.Шоабдурахмонов, С.Иброҳимов, Ф.Абдуллаев, Т.Қудратов, Б.Жўраев, С.Раҳимов ва бошқа бир қатор олимларнинг тадқиқотларида кўзга ташланади⁵.

Ўзбек тили миллий анъана ва урф-одатлари, моддий ва маънавий маданияти лексикаси махсус этнографик планда Н.Мирзаевнинг диссертациясида ўз аксини топди⁶. Ушбу тадқиқот маълум ҳудуд доирасида амалга оширилган бўлса-да, соҳага доир бир қатор янги тадқиқотлар учун асос бўла олди⁷. Тилшунос ўзбек тили этнолексикасига оид дастлабки ва ягона бўлиб турган луғат⁸ни яратди. Кейинчалик ўзбекона тўйлар лексикасини текширишга бағишланган кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилди⁹.

¹ Аппов А.К. Этнографическая лексика карачаево-балкарского языка. Дисс. кан. фил. наук. – Нальчик, 2003; Семенова И.Дж. Параметрический анализ лексики карачаево-балкарского языка на тюркском фоне. Дисс. кан. фил. наук. – Воронеж, 2017.

² Дегтярев Г.А. Лексика земледелия в чувашском языке. – Москва, 1987.

³ Азербайжанча-русча этнография терминлари луғати. – Баку, 1987.

⁴ Шамшатова А. Лексика злаковых культур в казахском языке. Дис. канд. фил. наук. – Алма-Ата, 1966; Жанпейсов Е.Н. Козоқ тилининг этник-маданий луғати. – Алма-Ата, 1983; Жилкубаева А.Ш. Термины питания в казахском языке. Автореф. дис. канд. филол. наук. – Алма-Ата, 1991.

⁵ Поливанов Е.Д. Узбекская диалектология и узбекский литературный язык // К современной стадии узбекского литературного строительства. – Ташкент, 1933; Боровков А.К. Ўзбек шева-лаҳжаларини текширишга доир савол-жавоблар. – Тошкент, 1944; Решетов В.В. Кураминские говоры Ташкентской области (фонетическая и морфологическая система). Авторефер. дисс. докт. фил. наук. – Ташкент, 1951; Ишаев А. Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари. – Тошкент, Фан, 1975; Ўрозов Э. Жанубий Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари. – Тошкент, Фан, 1978; Абдуллаев Ф. Хоразм шевалари. – Тошкент, Фан, 1961; Шоабдурахмонов Ш.Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. – Тошкент, ЎзФА, 1962; Жўраев Б. Юқори Қашқадарё ўзбек шевалари. – Тошкент, Фан, 1969., 80-81-б.; Раҳимов С. Сурхондарё ўзбек шевалари луғати. – Термиз, Термиз давлат университети нашриёти, 1995.

⁶ Мирзаев Н. Ўзбек тилининг этнографик лексикаси (Қашқадарё вилояти ўзбек шевалари материаллари асосида). Фил.фан.канд.дисс. – Тошкент, 1971.

⁷ Бобожонов Й. Жанубий Хоразм этнографик лексикаси. Фил. фанлари номзоди дис. – Тошкент, 1997., 74-б.; Қахарова М. Ўзбек этнографизмларининг системавий тадқиқи. Фил. фанлари номзоди дис. – Тошкент, 2009., 22-б.; Қосимова Р. Ўзбек тўй ва мотам маросим фольклори матнларининг инглизча таржимасида этнографизмларнинг берилиши. Фил.фан.бўйича фалс.док. (PhD) дис. – Тошкент, 2018. 15-б.; Адилова Г.А. Қорақалпоғистон козоқлари этнографизмларининг лингвомаданий таҳлили. Фил.фан.бўйича фалс.док. (PhD) дис. – Нукус, 2018.

⁸ Мирзаев Н. Ўзбек тили этнографизмларининг изоҳли луғати. –Тошкент, Фан, 1991., 4-б.

⁹ Журабоев А. Ўзбек тилидаги тўй маросимлари билан боғлиқ атамалар (Андижон шевалари материаллари асосида). Фил. фанлари номзоди дис. – Тошкент, 1971., 10-б.; Хусайнова З. Ўзбек тилида тўй маросимлари атамаларининг ономасиологик тадқиқи (Бухоро шевалари материаллари асосида). Фил. фанлари номзоди дис. –Тошкент, 1984; Исмоилова О.О. Ўзбек тўй маросим фольклорида “Келин салом” жанри. Фил. фанлари номзоди дисс. автореф. – Тошкент, 1999; Ҳайитова Ф. Никоҳ тўйи кўшиқларининг лисоний талқини. Фил. фанлари номзоди дисс. автореф. – Тошкент, 1998; Нуриллаева Ш.М. Туркистон қарлуқ тип шеваларида тўй

Ўзбек тилининг ўзга тиллар билан интеграцияси, қолаверса, фан-техника тараққиёти натижасида қўлланиш доираси торайиб бораётган ёки буткул йўқолиб кетиш арафасида турган касб-ҳунар этнолексикаси деярли луғатлаштирилмаган, мазкур луғавий бирликларни тизимлаштиришнинг лексикографик жиҳатдан илмий-назарий асослари яратилмаган. Шунингдек, этнографик бирликлар имлоси, тематикаси, уларни изоҳли луғатларда акс эттириш, ҳудудий этнографизмларнинг адабий тил ривожланишидаги ўрни каби масалалар ушбу соҳада янги тадқиқотлар олиб бориш лозим эканини кўрсатди. Бир сўз билан айтганда, тилимиз лексиконида мавжуд этнографик бирликларни луғатлаштириш, уларни замонавий тилшунослик тамойиллари асосида, хусусан, этнолингвистик жиҳатдан таҳлил ва тавсиф қилиш ҳозирги ўзбек тилшунослиги олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Термиз давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №25-1 “Ўзбек тилшунослиги: бадиий нутқ таҳлили, антропоцентрик назария, этнолингвистика, корпус тилшунослиги” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Сурхондарё аҳолиси нуткида учрайдиган этнографик бирликлар луғатда берилишининг назарий асосларини такомиллаштириш ва “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да этнолексика кўламини кенгайтиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жаҳон, туркология ва ўзбек тилшунослигида этнографик лексикографиянинг ўрганилишини изоҳлаш;

икки ва беш жилдли изоҳли луғатларда келтирилган этнографик бирликларни этимологик, қиёсий, статистик таҳлил қилиш, тематика доирасини, талқинлардаги муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этишга доир тавсиялар бериш;

этнографик бирликларни луғатлаштириш жараёнида сўзлик (бош сўз)нинг грамматик, структур, семантик, орфографик хусусиятларини ёритиш;

этнографик мавзуий изоҳли луғат мақоласи жойлашуви ва унинг бошқа луғат мақолаларидан фарқли хусусиятларини такомиллаштириш;

этнографизмлар системасининг идеографик қурилишини Сурхондарё этнографизмлари мисолида изоҳлаш, мавзуий-тематик гуруҳларга ажратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Сурхондарё аҳолиси ва айрим касб эгалари нуткида учрайдиган ҳамда унут бўлиб бораётган этномаданий лексик бирликлар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини этнографик мавзуий изоҳли луғат учун лексикографик бирлик танлаш тамойиллари, ўзбек тили этнографизмлари

маросими номлари. Фил. фанлари номзоди дисс. автореф. – Тошкент, 2001; Давлатов С. Қашқадарё воҳаси ўзбек тўй маросимлари фольклори. Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1996.

тематикаси ва этнографик бирликларни изоҳли луғатда бериш муаммолари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда таснифлаш, тавсифлаш, қиёслаш, статистик, семантик, систем-структур, қиёсий-тарихий таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

М.Кошғарийнинг “Девону луғатит турк” асаридан XX аср бошларигача бўлган даврга мансуб тарихий луғатларда акс этган этномаданий лексик қатлам лексикографик аспектда аниқланиб, этнографизмларни беришнинг маъновий, мавзуий меъёрлари далилланган;

этнографизмларнинг этимологик, семантик, статистик, структур, қиёсий таҳлили асосида уларни изоҳли луғатларда беришнинг бош сўз, сўзлик мақоласи, этнографизмлар омонимияси ва полисемантиклиги каби лексикографик тамойиллари белгиланган;

Сурхондарё этнолексемалари илк бор идеографик луғат шаклида моддий-маданий, маънавий ва ижтимоий этнографизмлар каби мавзуий гуруҳларга ажратилиб, оламнинг миллий лисоний тасвири хусусиятлари воҳа этнолисоний тасвири мисолида этнографизмлар воситасида далилланган;

этнографик мавзуий изоҳли луғат учун сўз танлашнинг луғат тузилиши ва структурасини характерлайдиган таркибий, ҳар қандай этнографик луғат этник ўтмишни тавсифловчи манба эканлигини кўрсатувчи тарихий, этнографизмларнинг туркумий хослигини намоён қилувчи грамматик ҳамда этнографик луғатнинг миллий орфография тамойилларига уйғунлигини таъминловчи имловий мезонлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўзбек тили этнографизмларининг лексикографик назарияси яратилганлиги этнографик бирликларни ҳудудий ёки умумий этнолексикографик планда ўрганувчилар учун муҳим манба бўла олиши асосланган;

Сурхондарё вилояти этнографизмлари мисолида асосланган тадқиқот натижалари соҳага доир муҳим илмий-назарий маълумот бериши билан бирга тил ва маданият масалаларини ўрганувчи этнолингвистика, лингвокультурология, социоллингвистика, антропоцентрик тилшунослик каби соҳалар бўйича дарслик ва қўлланмалар яратилишига хизмат қилиши далилланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги халқ жонли мулоқот нутқи, яратилган илмий луғатлардан олинган материаллар Сурхондарё вилояти этнографизмлари табиатидан келиб чиқиб изоҳланганлиги, назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга таянилганлиги, методик жиҳатдан мукамаллиги, олдига қўйилган муаммонинг аниқ ва етарлича асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани, жаҳон тилшунослигининг янги йўналишлари ва таҳлилий усуллари асосида тадқиқ қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти этнолингвистика, лексикография, тил ва

маданият алоқасини ўрганувчи ёндош соҳаларда маълум илмий-назарий муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўзбек тили этнографизмларининг этнолингвистик тадқиқи бўйича яратиладиган дарслик, ўқув қўлланмаларини такомиллаштириш, олий ўқув юртларининг бакалавр ва магистратура таълим йўналишларида “Этнолингвистика”, “Лингвокультурология”, “Лексикография” бўйича махсус курсларни ташкил этишда фойдаланиш мумкинлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сурхондарё аҳолиси нутқида учрайдиган этнографик лексик қатламни этнолингвистик тадқиқ қилиш жараёнида олинган илмий натижалар асосида:

этнолексемаларнинг ясалиши, вазифавий-маъновий, тузилиш хусусиятлари, этнографизмлар шаклдошлиги ва маъно ифодалашига оид илмий хулосалардан ФА-Ф1-Г003 “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” (“Функциональное словообразование в современном каракалпакском языке”) мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳанинг этнолексемалар ясалиши, уларнинг кўпмаънолилиқ хусусиятларини очиб бериш қисмида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2020 йил 10 сентябрдаги 168/1-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа доирасида мураккаб таркибли лексемаларнинг ясалишида эътибордан четда қолиб кетаётган миллий этнографик характердаги бирикмалар салмоғи сезиларли даражада яхшиланган;

этнографизмларнинг этнолингвистик, этимологик, маъновий, статистик ва тузилишининг қиёсий таҳлили асосидаги илмий хулосаларидан ФА-А1-Г007 “Қорақалпоқ нақл-мақоллари лингвистик тадқиқот объекти сифатида” мавзусидаги амалий лойиҳанинг мақолларнинг этимологик, лингвомаданий хусусиятларини асослаш қисмида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2020 йил 10 сентябрдаги 168/1-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа доирасида миллий маданий қадриятлар билан боғлиқ диалектал-этнографик мақолларнинг сифат ва миқдор жиҳатдан янгиланишида ижобий самара берган;

ўзбек тили этнографик бирликларнинг маъно кўлами ва луғатларда берилиши, уларнинг назарий ва амалий муаммоларини ёритишдан олинган хулосалардан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган “Ҳозирги ўзбек тили” (Б.Менглиев, “Тафаккур бўстони”, 2018 йил) дарслигида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 ноябрдаги 89-03-4499-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек тили лексикасини мавзуй-тематик гуруҳларга ажратиш ва лексикографик тавсифлаш билан боғлиқ назарий фикрларнинг этномаданий лексика билан бойитиш даражаси ортган;

Сурхондарё аҳолиси нутқидаги этнографик бирликлар ва уларнинг тематикаси, лингвокультурологик хусусиятларига доир материаллар асосида

Сурхондарё вилояти телерадиокомпанияси дастурларидан ўрин олган “Маънавият – қалб кўзгуси” кўрсатувида чиқиш қилинган (Сурхондарё телерадиокомпаниясининг 2020 йил 15 октябрдаги 01-15/787-сон маълумотномаси). Натижада телекўрсатувларда аҳоли нутқида сақланиб қолган ва аста-секин унут бўлаётган этнографик, этнографик-диалектал лексик бирликлар ва маросимларнинг тарғиботига эътибор кучайган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни юзасидан 12 та илмий мақола ва тезислар чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Олий аттестацияси комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 3 та, хорижий журналларда 2 та илмий мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат бўлиб, 137 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, илмий тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, объекти ва предмети, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, жорий қилиниши, апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Дунё этнографик лексикографияси: талқин ва муаммолар**” деб номланиб, унда жаҳон тилшунослигида этнографизмларнинг лексикографик тадқиқи, ўзбек луғатчилиги тарихида миллий маданий лексемаларнинг берилиши ва ҳозирги ўзбек лексикографиясида этнографизмлар тавсифи таҳлил қилинди.

Тилшуносликда тил ва этнос маданияти алоқалари Франц Боас, Б. фон Гумбольдт, Й.Л.Вайсгербер, А.Потебня, Э.Сепир, Б.Уорф, Н.И.Толстой, Д.К.Зеленин, А.А.Шахматов, А.И.Соболевский каби олимларнинг қарашлари асосида ривожланди.

Дастлабки даврда этнолингвистика ўз ишини ўз-ўзича эмас, балки, маданият антропологияси кўринишида Америка ҳинду қабилаларининг тилини ўрганишдан бошлаб у орқали жаҳон тилларига тасниф беришга ҳаракат қилди. Тўпланган билимларнинг натижаси нечоғлиқ универсал (жаҳон тилларига нисбатан) эканлигини эса этнолингвистикадаги “лингвистик нисбат” тушунчаси орқали тушунтиришга ҳаракат қилинди¹.

¹ Махмараимова Ш.Т. Лингвокультурология. –Тошкент, Чўлпон номидаги НМИУ, 2017., 26-б.

Америка ва Европа тилшунослигидан фарқли ўлароқ, рус ва туркий тилшуносликда этнографизмлар диалектология билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўрганилди. Худудий диалектал луғатлар яратилди ва ушбу луғатлар таркибида келган этномаданий лексик қатлам алоҳида изоҳланди. Натижада соф этнографик тилшунослик шаклланди.

М.Кошғарийнинг “Девону луғатит турк” асари туркий тилшуносликда лексикография соҳасидаги илк намуна ҳисобланади. Асарнинг “Луғат” қисмида туркий халқлар, хусусан, халқимизнинг моддий ва номоддий маданияти: тўй, оила, қадимий халқ ўйинлари (асосан, болалар ўйинлари), турли урф-одатлар, ирим-сиримлар, деҳқончилик ва чорвачиликка оид касбий атамалар, ҳар хил ижтимоий фаолият билан боғлиқ этнографик номлар келтирилган. Асарда учрайдиган этнолексемаларни лексикографик таҳлил қилиш асносида этнографизмлар тематикаси аниқланди:

- 1) чорвачиликка оид этнографизмлар;
- 2) деҳқончилик билан боғлиқ этнографик лексемалар;
- 3) миллий халқ ўйинлари билан боғлиқ этнографизмлар;
- 4) тўй ва у билан боғлиқ жараёнларни ифодаловчи этнографик лексемалар;
- 5) турли хил маросим ва улар билан боғлиқ этнографик лексемалар;
- 6) миллий таом номини ифодаловчи этнографизмлар;
- 7) халқ маиший ҳаёти, уй-рўзғор буюмлари номини ифодаловчи этнографизмлар;
- 8) ижтимоий фаолиятга алоқадор этномаданий лексик birlikлар;
- 9) миллий кийим ва тақинчоқ номини ифодаловчи этнографизмлар;
- 10) қариндош-уруғчиликни ифодаловчи этнографизмлар.

XV аср ва XIX асрнинг биринчи ярмигача бўлган даврда яратилган луғатларда айрим ижодкор ёки шоирнинг лингвопоэтик салоҳияти, сўз кўллаш маҳоратини ёритиш асосий мақсад саналган. Шу даврга оид луғатларда (масалан, Алишер Навоий ва унинг замондошлари томонидан яратилган) бош сўз сифатида танланган лексеманинг лексик-семантик, фонетик, морфологик хусусиятлари, шакл ва маъно муносабати, шунингдек, полисемантик имкониятлари таҳлилига асосий эътибор қаратилган. Асосан, Аллоҳ, илоҳий ишқ, севги-муҳаббат мадҳ этилгани, бундан ташқари, шеъринг шаклда ёзиш анъана бўлгани, классик бадиий матн яратиш ва унинг лингвистик имкониятларига кўпроқ эътибор қаратилган.

XX аср бошларигача туркий халқлар лексикографиясида ҳеч бир луғат махсус этнографик аспектда яратилмаган. Бунга ҳукмрон табақанинг тез-тез ўзгариб туриши, босқинлар, шунингдек, араб ва форс тилининг ҳукмрон адабий тил бўлгани асосий омил ҳисобланади.

Замонавий ўзбек тилшунослигида миллий этнографизмлар худудий ёки маълум мавзу доирасида ўрганилди. Бу борада дастлабки лингвистик тадқиқот сифатида Н.Мирзаевнинг “Ўзбек тилининг этнографик лексикаси” (1971) номли диссертацияси ва Қашқадарё аҳолиси нутқида учрайдиган этнографик лексика мисолида яратилган “Ўзбек тили этнографизмларининг изоҳли луғати”ни келтириш мумкин. Тадқиқотчи ўзбек тили этнографик лексикасининг деривацион, структурал, этимологик хусусиятларига эътибор

қаратади. Хусусан, Қашқадарё ўзбеклари нутқида қўлланувчи этнографик лексиканинг этимологик таркиби, яъни ўз қатлам – умумтуркий ва ўзбекча; ўзлашган қатлам – форс-тожикча, арабча этнографик лексемалар ҳақида фикр юритиб, луғатда келтирилган 737 сўзнинг 390 (53%) таси умумтуркий, ўзбекча; 140 (16%) таси тожикча; 72 (10%) таси арабий; 5 (0.6%) русча; 147 (17%) таси юқорида келтирилган тиллардаги турли компонентларнинг қўшилуvidан ҳосил бўлганини таъкидлаб ўтади. Бу ҳолат ўзбек этносининг этномаданий шаклланишида қайси халқлар ёки тиллар билан алоқаси ҳамда ўзаро таъсири қай даражада эканлигини кўрсатади.

Тилшунослигимизда, асосан, ҳудудий (Қашқадарё, Хоразм) этнолексика илмий тадқиқ қилинди. Мавзуий жиҳатдан эса миллий кадриятларимиздан бири бўлган тўй ва у билан боғлиқ жараёнлар лексикографик, этнолингвистик аспектда ўрганилди.

Сурхондарё вилояти аҳолиси нутқида учрайдиган этнографик лексика қадимийлиги, тематик кўламининг кенглиги билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. С.Раҳимовнинг “Сурхондарё ўзбек шевалари луғати”да Бойсун ҳудудида сақланиб қолган қадимий урф-одатлар, ўйинлар, деҳқончилик, чорвачилик, ижтимоий ҳаёт билан алоқадор *огизочар*, *адарғи* (ўрмакчилик асбоби), *ойнакўрсатар* (16), *ойнахалта* (упа-елик турадиган келин халтаси), *оёқбосар* (15), *ўрмак*, *уяз* (қўйлар тўдасини иссиқдан, шунингдек, айрим чакувчи ҳашоратлардан ҳимояланиш учун бири иккинчисининг соясига жамланиши (муаллиф изоҳи) (106), *ўра* (ғалла сақланадиган махсус чуқур, ертўла) (106), *оқсуяқ* (ўйин номи) (20), *умилдириқ* (эгарни тортиб туриш учун отнинг кўкрагидан ўтказилган тасма) (108), *тусах* (икки яшар урғочи қисир қўй) (105), *тувча* (икки яшар урғочи эчки) (104), *тўркунлатар* (тўйдан кейин қизни ота-онаси уйига чақирилиши), *бурдам* (парранда гўштидаги айри суякчани икки томонга тортиб синдириш ўйини, қайси томонда суяк кўп синмай қолса ютган ҳисобланади), *вакилота* (никоҳ кечаси қизнинг розилигини сўровчи одам), *потиятўй* (унаштириш тўйи), *гарткам* (ёнғоқ ёки ошиқ ўйини), *жавкағув* (никоҳ кечаси ёниб турган ўтга уч қошиқ ёғ тўкиб ирим солиш одати)¹ каби кўплаб миллий кадриятларимизни ўзида акс эттирувчи этнографик лексемалар учрайди.

Филология фанлари доктори А.Ж.Омонтурдиев “Чорвачиликка оид сўз ва атамаларнинг қисқача тематик эвфемик луғати”²да Сурхондарё чорвадор аҳолиси нутқида қўлланувчи анъаналар, урф-одатлар, кадриятлар билан боғлиқ этнографик лексемаларнинг эвфемик жиҳатдан илмий тадқиқ қилинган ҳолда луғатлаштирган. Шунингдек, Сурхондарё аҳолиси нутқида учрайдиган, бироқ унут бўлиб бораётган этнографик бирликларни луғатлаштириш борасида қилинган сўнгги ишлардан бири А.Ж.Омонтурдиев ва Б.Раҳмоновлар томонидан тузилган “Сурхондарё диалектал-этнографик мақолларининг изоҳли луғати” (2019) ҳисобланади. Ушбу луғатда халқ оғзаки ижоди маҳсули бўлган мақоллар ва уларнинг семантик хусусиятлари изоҳланган. Луғатда мақол, маталларнинг айрим ҳудуд шеvasида – аслиятида

¹ Раҳимов С. Сурхондарё ўзбек шевалари луғати. – Термиз, Термиз давлат университети, 1995.

² Омонтурдиев А. Чорвачиликка оид сўз ва атамаларнинг қисқача тематик эвфемик луғати. –Тошкент, 2015, 90-б.

берилгани, айримларининг умумхалқ ва диалектал вариантлари келтирилгани билан аҳамиятли, баъзи шевага хос сўзлар қавс ичида изоҳлаб кетилган¹.

Диссертациянинг иккинчи боби “Ўзбек тили изоҳли луғатларида этнографизмлар берилишининг қиёсий таҳлили” деб номланиб, унда икки (1981) ва беш (2006-2008) жилдли изоҳли луғатларда келтирилган этнографик бирликлар қиёсий, этимологик, статистик, семантик-структур жиҳатдан таҳлил қилинди. Этнографизмларнинг изоҳли луғатларда акс эттириш усуллари, миллий урф-одат, маросим, анъаналар, халқнинг қадимий турмуш тарзи билан боғлиқ этномаданий предметлар номини этнографик нуқтаи назардан берилиши ўрганиб чиқилди.

Икки жилдли изоҳли луғатда **176** та лексема ва бирикмалар этнографизм ёки этнографик маъно ифодалашни таъкидланган. Бу луғатда берилган умумий лексемаларнинг **0.29 %** ини ташкил этади, холос. “Мустақилликкача бўлган даврдаги ҳукмрон мафкура талабларига кўра, миллий менталитетимиз ва минг йиллик маданиятимизу маънавиятимизнинг мағзи-моҳиятини тайин этадиган жуда кўп тушунчаларни ифодалайдиган қанча сўзларнинг тилимиздаги фаол лексик қатлам таркибига киришига изн берилмаган эди. Шунинг учун уларга илгариги икки жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (1981)да жой топилмаган эди²”. Беш жилдли изоҳли луғатда этнографик лексемалар умумий сўзликнинг **0.25 %** ини ташкил этади. Янги изоҳли луғат (2006-2008)да **200** га яқин лексема ва бирикмалар этнографик тушунча ифодалашни таъкидлаб ўтилган. Икки жилдли изоҳли луғатда берилган этнолексемаларнинг аксарияти янги изоҳли луғатда такрорланган. Шундай бўлса-да, ҳар икки изоҳли луғатларгагина хос бўлган, яъни бирида учраса, иккинчисида такрор учрамайдиган этнолексемалар ҳам мавжуд (1-жадвал).

1-жадвал. Изоҳли луғатларгагина хос этнографик бирликларнинг берилиши

Икки жилдли изоҳли луғатга хос этнографик лексемалар	Беш жилдли изоҳли луғатга хос этнографик лексемалар
Кир	Бадик II
Танга-сочик	Даррасолди
Тутатмоқ	Келинкўрди
Чачвон	Об худойи
Чил-чил	Сабзитўғрар
Қора киймоқ	Тотем
Сут ҳақи	Тотемизм
	Унаштириш
	Учоқ
	Чукбуррон
	Юзкўрди
	Қизчиқарар

¹ Омонтурдиев А. Рахмонов Б. Сурхондарё диалектал-этнографик маколларининг изоҳли луғати. –Тошкент, Илм зиё заковат, 2019. 5-б..

² Маҳмудов Н. Ўзбек тили луғат бойлигининг ривождаги жараёнлар // “Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари” мавзусидаги республика илмий-назарий конференцияси материаллари. –Тошкент, 2019. 11-б.

Беш жилдди изоҳли луғатда янги этнографизмларни беришда қуйидаги усулдан фойдаланилган (2-жадвал).

2-жадвал. Изоҳли луғатларда этнографизмларни бериш усуллари

№	Изоҳли луғатларда этнографизмларни бериш усуллари	Икки жилдди изоҳли луғат (1981)	Беш жилдди изоҳли луғат (2006-2008)
1.	Бош сўз сифатида сарлавҳага чиқарилган этнолексемалар	42.6 % (75 ўрин)	47.5 % (95 ўрин)
2.	Сарлавҳага чиқарилган полисемантик лексеманинг бир ёки ундан ортик маънолари этнографик характердаги этнографизмлар	31.8 % (56 ўрин)	33 % (66 ўрин)
3.	Бирикмали (кўп таркибли) этнографизмлар	23.8 % (42 ўрин)	17.5 % (35 ўрин)

Икки ва беш жилдди изоҳли луғатларнинг бош сўзга тузилган сўзлик мақолалари структураси илмий таҳлил қилинди. Изоҳли луғатларда бош сўз сифатида берилган лексемалар (бирикмали, турғун иборалар ва ҳ.к.)нинг қиймати шу сўзлик учун тузилган луғат мақоласининг қай даражада ифодалангани билан белгиланади. Бош сўз аниқланган маъно (маънолар) луғат тузилишида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, луғат мақоласининг барча алоқадор қисм (компонент)лари узвийлигини маълум даражада таъминлаб беради.

Луғат мақоласининг бош сўздан кейинги компоненти бош сўзнинг этимологияси ҳақидаги маълумот. Этимологик маълумот қардош бўлмаган чет тил сўзларига берилади¹. Икки жилдди изоҳли луғатдаги этнолексемалар таҳлили шуни кўрсатдики, этнографизмларнинг **10.2** фоиз (18 ўринда)и арабий, **13.7** фоиз (24 ўринда)и форс-тожикча, **2** ўринда арабий+форс-тожикча (ясама), **1** ўринда мўғулча этномаданий ўзлашма лексемалардир. Икки ва беш жилдди изоҳли луғатларда учрайдиган ўзлашма этнографик бирликлар қиёси қуйидаги жадвалда батафсил берилган (3-жадвал).

3-жадвал.

Изоҳли луғатларда ўз ва ўзлашган қатламга хос этнографик бирликларнинг берилиши

№	Ўзбек тилига ўзлашган этнографик лексемаларнинг асосий объекти бўлган тиллар	“Ўзбек тилининг изоҳли луғати” 2 жилдди (1981)	“Ўзбек тилининг изоҳли луғати” 5 жилдди (2006-2008)
1.	Арабча этнографизмлар	10.2 % (18 ўринда)	7.5 % (15 ўринда)
2.	Форс-тожикча этнографизмлар	13.7 % (24 ўринда)	11.1 % (22 ўринда)
3.	Арабча+форс-тожикча	1,1 % (2 ўринда)	1 % (2 ўринда)
4.	Ўзбекча+форс-тожикча	-----	1 % (2 ўринда)
5.	Мўғулча	0.5 % (1 ўринда)	-----
6.	Инглизча	-----	1 % (2 ўринда)
7.	Ўз қатламга оид	73.1 %	78.2 %

¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ўзбекистон миллий энциклопедияси 5-томлик, 1-том. –Тошкент, 2006-2008. 13-б.

Этнографизмларнинг этимони ҳақида аниқ ва тўлиқроқ маълумот бериш борасида беш жилдли изоҳли луғатда самарали ишлар олиб борилди. Икки жилдли изоҳли луғатда этимологик маълумот берилмаган айрим ўзлашма этнографик лексемаларга ҳам этимологик изоҳ берилган: **заркокил** [ф. زركاكي - зарли гажак, кокил] (II; 138), **патир** [а. فطير – оширилмаган, кўптирилмаган (нон)] (III; 237), **салом** [а. سلام - тинчлик, хавфсизлик; кўришиш, саломлашиш] (III; 430), **тумор** [а. طومار – ўроғлиқ хат; нома, ёзув] (IV; 188), **ўкил** [а. وكيلى - ишончли, ваколатли шахс] (V; 145) каби.

Изоҳли луғатларда этнографик лексема ва бирикмаларни беришда услубий ва ҳавола этувчи қайдларнинг этнографик сўзлик маъносини изоҳлаш, бош сўз ёки шу сўз иштирок этган бирикманинг тематикасини белгилаш, келтирилган таърифларда учрайдиган бир хиллик ва ортиқчаликдан сақланишдаги ўрни изоҳланди

Луғат мақоласининг энг асосий компоненти изоҳланувчи бирликлар маъноси (маънолари)га бериладиган изоҳ¹ ҳисобланади. Луғатда сўзлик сифатида сарлавҳага чиқарилган барча лексемалар сингари этнолексемаларга ҳам шу лексема маъноси (маънолари)ни таърифлаш, изоҳлаш ёки бошқа лексеманинг маъносига ҳавола, ишора қилиш орқали изоҳ берилган.

Изоҳли луғатларда келтирилган иллюстратив мисоллар сўзларнинг турли маъно қирраларини кўрсатишга, ўз навбатида, тил эгаси бўлган миллатнинг дунёқарашини намоён этишга хизмат қилади².

Икки жилдли изоҳли луғатдаги луғат мақоласи таркибида учрайдиган иллюстратив мисоллар ўша давр сиёсий, ижтимоий, адабий, илмий муҳитини маълум даражада акс эттириб туради. Шу боис ҳам давр ўтиши билан изоҳли луғат таркибида рўй берадиган турли хил ўзгаришлар мавжуд изоҳли луғатнигина эмас, балки унда берилган иллюстратив мисолларни ҳам қайта кўриб чиқиш зарурати борлигини кўрсатади.

Диссертацияда келажакда яратиладиган изоҳли луғатларда этнографизмларнинг берилишини такомиллаштириш борасида айрим тавсиялар берилди. Икки ва беш жилдли изоҳли луғатларни ўз қатлам ва этномаданий (этнографизмлар, диалектлар ва ҳ.к.) лексемалар қамрови, жонли тил сатҳида мавжуд сўзлар (бирикмали, турғун бирликлар) ва уларнинг семантикаси, лексик бирликларнинг шакл ва маъно муносабати тўлиқ ифодаланмагани, луғат мақоласи таркибий қисмларининг қатъий лексикографик тамойилларга амал қилмаслиги каби хусусиятларига асосланиб ҳали мукамал луғат дейиш мушкул.

Келгусида яратиладиган изоҳли луғатларда этнографик бирликларни беришда, аввало, уларнинг имлосини қатъий ишлаб чиқиш, ўзбек тили этнографизмларининг тематикаси кўламини белгилаш, изоҳли луғатларда этнографизмларнинг маъноларини аниқ ифодалашда этнолексемаларнинг полисемантик ва омонимик хусусиятини батафсил ёритиб бериш борасида илмий-назарий қарашлар баён қилинди. Шунингдек, сўзлик мақоласининг

¹ Юкоридаги манба. 17-б.

² Кўзиёв У. Ўзбек тилидаги изоҳли луғатларда ўзлашма сўзлар: фил.фан.бўйича фалс.док. (PhD) дис. автореферати. – Фарғона, 2018. 18-б.

таркибий қисм (компонент)ларини янада такомиллаштиришда бир қатор тавсиялар берилди.

Диссертациянинг учинчи боби “**Сурхон этнографик мавзуий изоҳли луғати**”ни тузиш ва унда **этнографизмларни бериш масаласи**” деб номланган. Унда этнографик мавзуий изоҳли луғат учун лексикографик бирлик танлаш муаммоси, этнографик мавзуий луғат мақоласи ва унинг хусусиятлари, Сурхондарё аҳолиси нуткида учрайдиган этнографизмлар мисолида ўзбек тили этнолексикасининг идеографик қурилиши амалий ва назарий жиҳатдан ёритиб берилди.

Этнограф олимлар олдида турган асосий муаммолардан бири этнографик луғатлар тузиш жараёнида **бош сўз** (сўзлик, лемма, сарлавҳа сўз, қора сўз) танлаш муаммосидир. Этнографик мавзуий изоҳли луғат учун бош сўз (вокабула) танлашда этнолексемаларнинг қуйидаги хусусиятларига эътибор қаратиш лозим:

- 1) этнолексемаларнинг структур жиҳати;
- 2) этнографизмларнинг грамматик шаклланиши ва уларнинг луғатларда қай шаклда берилиши;
- 3) этнолексемаларнинг қўлланиш доираси;
- 4) айрим турдаги этнолексемаларнинг имловий хусусиятлари.

Тўшак йиғди, ис чиқарди, кўшхона бермоқ, куда чақирди, қиз кўрар, чой қайтарди, нон синдирди, кўрпа қавиш, сабзи тўғраш, тақимга олмоқ, поёндоз олиш, мол туганлаш, товоқ кўтарди, ойна кўрсатар каби этнографизмларнинг юзага келиши бевосита шу ҳаракатнинг бажарилиши билан боғлиқдир. Демак, таъкидлаб ўтилган этнографик бирликлар номинатив маъно англатишдан ташқари маълум даражада предикативлик ҳам ифодалайди.

Юқоридаги сўз бирикмаси ва гап шаклидаги этнолексемаларда ҳоким-тобелик ҳамда предикатив маънонинг мавжудлиги уларни яхлит номама сифатида луғатда берилиши (ифодаланиши)га монелик қилмайди. Бу каби этнолексемаларни маълум предмет, жараён, ҳодиса номини англатишига қараб ясама сўз деб қараш зўрма-зўракидек кўринса-да, уларни ясалмалар, аниқроғи, этнографик номинациялар тарзида қабул қилиб келмоқдамиз. Бирок, *ўғилми, ҳолва?* (ЎТИЛ-5; V, 550), *хирмон (чош)га барака – умрингизга барака, гўшт тотли бўлсин – тотганга маълум бўлсин, зиёратлар қабул бўлсин – муродингиз ҳосил бўлсин, ўрмак ўнсин – йўлингиз/ишингиз ўнсин* каби кўплаб сўроқ, истак шаклидаги ҳис-ҳаяжон, тилак, истак маъноларини ифодаловчи этнографик ҳосилалар мавжудки, маълум этнографик жараён сифатида уларни луғатлаштириш, луғатларда беришнинг лексикографик тамойиллари мавжуд эмас.

Анъанавий луғатчиликда бош сўзнинг берилиши маълум грамматик қонун-қоидаларга бўйсинади. Ҳаракат маъносини билдирувчи лексемалар феълнинг ноаниқ шакли **-моқ**, бошқа сўз туркумлари шу туркумга оид луғавий ва синтактик (турловчи) шаклларсиз акс эттирилади. Тушунарлики, содда, жуфт, такрорий ва кўшма (кўшиб ёзиладиган этнографик лексемалардан ташқари) этнолексемаларни сўзлик сифатида беришда

юқоридаги лексикографик тамойилларга асосланамиз. Аммо бир гуруҳ мураккаб лексемалар (сўз бирикмаси ва гап шаклли)ни юқоридаги талаб асосида луғатлаштириш уларнинг шакл ва мазмуний хусусиятларида ўзгаришлар рўй беришига олиб келади.

